

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 908-ҳадис

*كَانَ إِذَا اشْتَكَى رَقَاهُ جَبْرِيلُ، قَالَ: بِإِسْمِ اللَّهِ يُبْرِيلَ، وَمِنْ كُلِّ دَاءٍ يَشْفِي لَكَ، وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ، وَشَرِّ كُلِّ ذِي عَيْنٍ.

(رواه مسلم عن عائشة)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор оғриқдан шикоят қилсалар, Жаброил (алайҳиссалом) у зотга дам солиб: «Бисмиллаҳи юбрийка, мин кулли даин яшфийка ва мин шарри ҳасидин иза ҳасада ва шарри кулли зий ъайнин» (Аллоҳнинг исми билан сени соғ қилсин. Ҳар бир касалликка шифо берсин. Ҳар бир ҳасадчининг ҳасадидан, ҳар бир кўз тегишидан ҳам асрасин), дер эдилар.

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо)дан. Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

